

Оила ва жамият

ВА

Оила ва жамият


18
сон

Узбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади

1997 йил 1—7 май

— УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-КИЗЛАР КҮМІТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нархда



• Биринчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг саккизичи сессияси булиб утди. Унда Узбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги түргисида, Журналистик фоалиятини химоя қилиш түргисида ва бошقا бир қатор конунлар қабул қилинди.

• Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Конрад Аденауэр жамгармасининг минтакамиздаги вакили Вольфганг Шрайберни «Дустлик» ордени билан мукофотлаши түргисидаги Фармонга имзо чекди.

• Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Пуиджи Скальфоро шу йилнинг 2-4 май кунлари расмий ташриф билан республикамизга келади.

• Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига биноан Узбекистон Республикаси Олий Судининг таркибига узгартиришлар киритилди.

• Тошкентда Қозогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Узбекистон Республикаси мудлофаатарини кенгашининг мажлиси булиди.

• Германиянинг «КФВ» тараққиет банки бошқаруви аъзоси Ханс Райхбошчиллигидаги дедегазия аъзолари Узбекистон Республикаси Ташки иктиносий фоалият милий банки раиси Р. Азимов билан учрашиди.

• Термиздаги зобитлар уйида Германиянинг «Берингер Ингелхайм» фирмасида тайёрланадиган, упка касалликларини даволашда қўулланадиган дориларнинг кўргазмаси булиб утди.

• Самарқандда Германиянинг Конрад Аденауэр жамгармаси ташабуси билан виночилик муаммоларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўза ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

Саволи биздан...

— Сизнингча, Тошкент шаҳридаги энг бадавлат кипи ким?

* * *

— Тошкентдаги қайси завод ёки корхона ҳовлисида биз 70 йил «бобомиз», «доҳиймиз» деб сифрган, юртимизнинг ҳамма жойида кўйини нуқбїн кәёққа юришимизни кўрсатиб келган, фақат мустақиллик туфайли асл ба-шараси маълум бўлган сабиқ доҳийга ўрнатилган савлатли ҳайкал ҳамон кўр тўкиб турибди?

УШБУ

4-БЕТ
остонадаги ЭРКАК

5-БЕТ
ЁЛГОНЛАРИНГ ДИЛДИМ РОСТ



CОНДА



Маззәё, мазз...

«Оила ва жамият»

ЮМІЛЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Сунгти йилларда республикамизда теннисга эътибор кескин кучайди. Президент кубоги мусобақалари, «Сателлит» ва «Челсижер» турнирларининг ўтказилиши, пойтахтимизда ва вилоятларда жаҳон андо-заралари мост теннис мажмууарининг курилганлиги фикримизни исботлаб турибди.

Тенниснинг оммавийлигини янада ошириш максадида утган йили «Ҳавас» турнирига асос солинган эди. Айни кунларда барча вилоятларда «Ҳавас» иккичига турнирининг саралаш ўйинлари булиб ўтмоқда. Уларда туман, шаҳар ва вилоят раҳбарлари куч синашмоджалалар. Голиблар май ойиде Тошкентда утадиган республика «Ҳавас» турнирида кортга чиқишиди.

«Оила ва жамият» газетаси турнир катишачиларига ўз соғасини ҳозирлашмоқда. «Ҳавас» голиблари ва фаол катишачиларидан ўн нафари газетага бепул обуна қилинади.

СОВРИНДА

«POLAROID»

«Оила ва жамият» газетаси ижодкор ёшлиларни кўллашиб кувватлаш мақсадиди эркин мавзууда ёзилган иншолар ташлови ўтказишга қарор қўлди. Таъновда мактаб укувичлари ва талаabalар томонидан ёзилган иншолар алоҳидаги ўтказишга қўриб чиқилади.

Иншоларнинг ҳажми бир чизиқли дафттар варагида 4—6 бетдан ошмаслиги шарт. Энг яхши иншолар газета саҳифаларида эълон қилинади.

Голиблар куйидагича рағбатлантирилади:

1. Энг яхши иншо ёзган ўкувичга «Polaroid» русумли фотоаппарат.

2. Энг яхши иншо ёзган талабага 20000 сўм.

Таънов натижаси мустақиллик байрами арафасида эълон килинади.

Иншолар куйидаги манзилга юборилиши шарт:

Тошкент-700000, Амир Темур кучаси, 1-тор куч, 2-йй

Матлумот учун телефонлар: 33-28-20, 34-86-91

АЁЛ ВА МАННАВИЯТ

Узбекистон хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги Пленуми булиб ўтди. Унда Фаргона ва Жиззах вилоятлари хотин-қизлар қўмитасири томонидан маърифат ва маънавият, милий қадриятларни тиклаш, қизларни турмушга тайёрлаш борасида амалга оширилаетган ишлар, бу борадаги муаммолар, галдаги вазифалар муҳокама этилди. Қайд этилганидек, жойларда қизларнинг балотатта етмай турмушга чиқиши ва фарсанд куриши, аёллар уртасида экстрогенитал касалликлар даражасининг юқорилиги, бунинг оқибати.

Пленумда курилган масалалар юзасидан тегиши қарорлар қабул қилинди.

Пленумни бош вазир ўринbosari, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломова бошқарди. Пленум ишида Олий Мажлис Раиси ўринbosari Б. Шодиева, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбундсман) С. Раширова қатнашди.

ҚОНУННИ КИМ ЯХШИ БИЛАДИ?

Бугунги кунда кўрик-тандов утказилмайдиган касб, соҳа коломади ҳисоб. Сурхондаре вилояти ижтимоний таъминот бошқармаси ҳам қатордан қолмаслик учун «Пенсия таъминоти билимдонлиги» мавзууда кўрик-тандов утказди. Бунда 16 та туман, шаҳар ижтимоий таъминот булимидан вакиллар иштирок этди.

Белашу қатнашчилари кўрик-тандов Низомида курсатилган бешта босқич бўйича уз куч ва имкониятларини, билимларини намойиш этиши. Биринчи уринни Шеробод туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафака тайинлаш сектори бошлиги Абдурасул Қобилов олишига муваффақ бўлди. Иккинчи урин Узун туманидан иштирок этган Фоғир Абдулаевга, учинчи урин эса деновлек Норбой Шоймardonovlarga насиб этди. Голиблар пул мукофоти билан тақдирландилар.

Махмуд АБУЛФАЙЗ

Ҳар гал меҳрибон онаизорим ҳақида ёзмоққа уринаману, меҳнатда машхур булиб улгрмагани, жудаям қисқа ҳаёт кечирганини уйлаб, жим қоламан. Жим қолиб, яна шу заҳоти портлайман. Бор-йиги 36 йил умр кечирсалар-да, бир эмас, саккиз уғил-қизни туғиб, тарбиялаш, урушда беш йил қон кечиб, куксиларида орден-медаллар, лекин асаблари чарраб қайтган дадамнинг кунглига, кузига қараб яшаш осон кечмагандир.

Онамнинг исми Саодат эди, Саодатхон Аъзамхўжа қизи, Онам ой деса ой, икки ўрим қалин, узун сочи орқасига сигмасди. Оппок, суксурдай аёл эди. Бир гапириб, ун куладир. Чехраси каби қули ҳам, дили ҳам очиқ эди.

Уруш йиллари қийинчилликларини эс-эс биламан. Кечкурунлари ишдан ҳориб-чарчаб келган онажоним лампа чироқ ёргуга дадамга хат ёзар, гоҳида кузизда ёши билан аста күшик айтадилар:

Мен бу ерга келмас эрдим,
Ера келтирди мани.
Ўтга солса куймас эрдим,
Ера куйдири мани.

Гоҳи кунлари лампа чироқни ёкмасдан, гира-ширада ёки ўрин тушиб қўйрилар-да, бир-икки дона қайнатилган қандлавлаганинеганимиздан сунг ёта қолардик. Кейин билсан, керосин тополмай, хуноб бўлган кунлари вақтли ётишга мажбур эканмиз.

да ногирон болаларнинг туғилиши ташвиш уйготади.

Маънавият ва маърифат ишларини яхшилаш борасида Жиззах вилоятida қатор ибратли тадбирлар амалга оширилаётган таъкидланди.

Пленумда курилган масалалар юзасидан тегиши қарорлар қабул қилинди.

Пленумни бош вазир ўринbosari, республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент туманида утказилган «Ийлнинг энг моҳир чевари» кўрик-тандови бунгина яққол далилларидир. Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига бутун ҳавас килса арзизиди. Бунда вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, жонкуяр ташкилотчи, жамоат арбоби Сайера Отахужаеванинг хизмати катта. Уларнинг ташаббускорлиги ва раҳбарлиги остида вилоятнинг куплаб туманларидан янги-янги учрашувлар, тадбирлар утказилмоқда.

Бу сафарги «Ийлнинг энг моҳир чевари» тадбiri республика мизада биринчи бор утказилди. Тадбирга вилоятнинг барча ҳудудларидан лойиҳачи-тикувчилар ўзлари тиксан либос ва яратган андозаларни билан қатнашилар.

Ахборот

Аслида, аёл деганда кўз ўнгимизда нозиккина жусса, мунисигина, ожизигина қиёфа намоён булади. Лекин ҳаётда ана шу нозик-ниҳол аёл зотидан-да заҳматкаш, сабр-бардоши, елкасига оғир вазифалар юкланган тирик мавжудотнинг узи йўқ. Аёл — она, аёл — ўй бекаси, аёл — тарбиячи, аёл — жамоат ходими ва ҳоказо. Ҳаммасини эплайди, ҳаммасига улгурди. Лекин унинг ҳали очилмаган хислатлари куп.

Куни кечга Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент туманида утказилган «Ийлнинг энг моҳир чевари» кўрик-тандови бунгина яққол далилларидир. Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига бутун ҳавас килса арзизиди. Бунда вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, жонкуяр ташкилотчи, жамоат арбоби Сайера Отахужаеванинг хизмати катта. Уларнинг ташаббускорлиги ва раҳбарлиги остида вилоятнинг куплаб туманларидан янги-янги учрашувлар, тадбирлар утказилмоқда.

Бу сафарги «Ийлнинг энг моҳир чевари» тадбiri республика мизада биринчи бор утказилди. Тадбирга вилоятнинг барча ҳудудларидан лойиҳачи-тикувчилар ўзлари тиксан либос ва яратган андозаларни билан қатнашилар.

ОЛАМЖАҲОН АЁЛ ЭДИ...

Онам қўшни кампирдан пайпоқ тукишини ўрганиб олдилар.

— Қани энди, жун ип булса, дадигта пайпоқ тукиб жунатардик. Қорекчи юрганларида оёқлари совуқ қотмасди, — дедилар ҳурсиниб ва бирдан ўрниларидан туриб, сурп парда тутилган токчадан ҳаворанг жемперларни олдилар. Аввал бир чўнганини, кейин иккичинисини, бошқа жойларини сўқиб, копток қилиб урайвердилар.

— Вой, ойи, жемпериз-ку! — дедим.

— Кўйтур, даданга пайпоқ тукимиз. Даданг келса, ҳали икковимизга кўп жемперлар олиб берадилар, — дедилар.

Даданг келса! Икки гапнинг бирда шундай дейишишни саварди онам. Дурустроқ овқат пиширган кунимиз ҳам тоамга кўл урмай, бироз қараб турардилар.

— Ҳозир дадант келса, бирга ердикда? — деб мана эшик томон қараб қўярдилар.

— Оҳ, қандай онанг бор эди-я, — дея багрига босиб-босиб куришишидан онамни кўрганлар ҳар гал Қибрайга борганимда.

Кўшниларимиз Норбуви хола, Кашиба хола, Ҳабиба хола (кейинги йилларда раҳматлиги бўлишидан) ҳам қачон учрашисак, онамдан сўз очишарди.

— Онанг раҳматлик-еъ, кун ора иссиқ нон ёпиб, эсингдами, иккита-

сини дарров сендан чиқазиб юборарди, менга илиниб, — дерди Ҳабиба хола, — жиззалик, писэлик нон ёнган кунларни-ку, қўярда — қўймай кўшниларни чойга қаҳиради. Ҳайит чойи, Наврӯз чойларини-ку канда қўймасди. Оламжаҳон аёл эди-да!

Мавжуда аммам, дадатинамнинг битта-ю битта синглиси, ҳозир 80 ёшга тутдилар. Қибрайда яшайдилар. Турмуш ўрготи урушда ҳалок бўлган. Қайноналарига қараб, ёлгиз қизларини катта қилиб, узатиб, ишлаб, Усмон акани кутиб яшадилар.

Онам кунда-кун ора тансиқ таом ҳозирлаб, «Бор, амманди айтиб кел», деб мени жунатанлари- жунатаннинг эди. Аммам келсалар, атрофларидан парвона булиб, нақ жонларини узиб берадилар. Ҳамон аммам ҳурсиниб, «Онамдай меҳрибон эди Саодат. Яримта кунглиминг малҳами эди», деб оҳ чекади, йиглайди.

«Саодат» журналинг номи ўзгарган йили (1966 йилнинг майигача «Ўзбекистон хотин-қизлари» эди) мен бу таҳририятда ишга қаҳирилган эдим. Ва бир кунни Қибрайга борсам, уша Норбуви хола, Кабира холалар куришиб, ҳол-аҳвол сурашгач, «Ҳай, Санъат, ойнингнинг исмени журналинига куйбсан-а? Жуда яхши иш қилибсан-да», дейишди соддалик билан.

ЧЕВАРАЛИК — ЗИЙНАТ



Суратда: Йўрин голиби «Шоҳнур» фирмаси раҳбари М. Раҳматова

Кейинги вақтларда мен бизда жаҳон тараблари даражасидаги чироийи либослар ниҳоятда камлиги ҳақида жуда кўп уйлардим. Ушбу танловда уйларимга ечим топгандек будим. Истиқлол аёлларимизни янада фаол қилибди, меҳнат, истеъодларини юзага қиқариди. Мисбатларни юзага қиқариди.

Танловда вилоятнингузок-яқинидан келган лойиҳачи-тикувчилар бир-бирлари билан яқиндан танишиб, узаро фикр-тажриба алмашдилар. Кун охирида голиблар аниқ-

ландин. Биринчи урин Бекобод шаҳридаги «Шоҳнур», иккинчи урин Чирчик шаҳридаги «Азиз дустлар», Қибрай туманидаги «Александер» хусусий фирмаларига, учинчи урин Йигитул шаҳридаги Ли Мая ва Юқори чирчиклик Рустам Ёкубовга насиб этди. Улар пул мукофотлари ва эсадлик совгалари билан тақдирланди.

Дилбар САФАРОВА

ИЖТИМИНГ ЗҮРИ...

Нима каромат кўрсатибди, деб сурарсиз. Шу куклам кунларининг бирда Денов туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа ҳужалигига истиқомат қиливчи шифокор Т. Курбоновнинг қўрасидан битта семиз қўйи дафъатан йўқолди. Қўй эгаси комуш булиб утири-

мади: «Қўйимни утираган Худодан топсин» деди ва шу билан бир вақтда ички ишлар булимига ҳам хабар қилишни унугтади. Қарангки, угри ҳам бегоналардан эмас экан. Шу ерда яшовчи навқирон С. У. кўй ўғриси булиб чиқди.

Яхшилар ёди

Гарчи журнал номи ўзгаришида менинг иштироким булмас-да, уша меҳрибон қўшниларимизнинг гаплари менга күш ёқди ва уларнинг шаштини туширмаслик учун «Ҳа», деб қўя қолдим. Улар эса астойдил кўл очиб «бу яхши ишим учун» дуо килишиди.

Бир куни «Ойижон, сизнинг туғилган кунингиз қачон?» — деб сурадим.

— Баҳорда, қизлар ялпиз териб юрган мана шундай кунларда, — дедилар яшнаб, кулиб.

— Баҳорнинг қайси ойи, қайси кунида? — дейман.

— Билмасам, бувингнинггайтишича, мен туғилгандага ўриклар чаман гуллаб, куёш чарақлаб турган экан. Кечки пайт шаррос ёмғир қўйиб юборган экан.

— Ана холос!

Онам икковимиз яйраб-яйраб, туғиб-туғиб кулганимиз ўшанди.

Баҳорда қизлар ялпиз териб юрган мана яна баҳор келди. Яна ўриклар гуллади. Ялпизлар хиди дилларга ҳузур багишлади. Яна ёмғир шаррос қўйди. Мен эсам ҳар галгидек ва ҳамма вақт сизни излайман, сизни кўмсайман ва сирасира тополмай, жимгина ҳаққингизга дуолар ўқийман...

Санъат МАҲМУДОВА

ЎЛГОНЛАРИНГ РОСИИ АДАМИ

Эй ҳаёт, нечун менга фақат азобу изтиробарингни право курасан. Не гуноҳларим учун гам-алам ботқогига ботирасан. Каҳринг бунча зур бўлмаса, кўз ёшларим бунчалар шур бўлмас...

Ие, нега ҳамма айбни ҳаётга ағдараюпман. Ахир менинг қисматимга ҳаёт меваси бўлган инсон сабабчи-ку. Фақат инсонгина ўз ниқобини узгартириб, тез-тез турланиб туриши натижасида бир-бирига азоб бериши мумкин. Демак, менинг ҳам кўз ёшларимга, алам дугида уртанишларимга инсон сабаб-чи.

Эшитаяпсанми, сен-ла утган онларимга, қаршингда бош эгиб, сұхбатнинг «жон», деб эшитган кулоқларимта, фақат сенгагина ширин гапирган тилларимга лаънатлар уқиятман. Эслаб кўр, менинг шодлигим, сенинг шодлигинг эмасмиди. Лоақал шу ерда рост гапиргин. Баъзида

мени бошқалардан қизгонибми, хайтовур ҳимоя қилтанинг рост-ку. Сенга бехосдан сенгилгини тан жароҳати етказиб, хижолатдан кечирим сураганимда, бошингни тутиб «калламни олсангиз ҳам розим», деганиларинг рост-ку. Ужар булсан-да, боодоб, полизитимни мақтаб, мен билан фахрлангандаринг ҳам ёлғон эмаслир, ахир. Сенга шунчалик урганиб, болгани қолган эканманки, ёлғонларинг яхшилик булиб куринарди. Сенингни олардим. Бетоб ҳолда курсам эзилиб, йиглагим келарди. Хулас, барча айбларингни ёпиб, пойининг сажда қилгим келаверди. Аммо... аммо сен шундай ҳурматга арзимадинг. Йўқ, асло. Бир куни келиб дилимни вайрон қиладиган суз айтишингни қаёқдан ҳам билибман. Доимо авайлаб гапирадинг. Орқамдан эса

йигитлигингни унугиб, баъзи шаллақи хотинлардек гийбат қилибсан-а. Буёса сенинг «касбин» эканлигини сал кечирок сезиб қолдим. Баъзида сени шунақам ёмон кўриб кетаманки... Лекин, барибир, сени кўргим, сен-ла гаплаштим келаверди. Худди ана уша пайдайда юрагимни сугуриб олиб, оловга ташласадам дейман. Чунки у сен ҳақингдаги ёмон фикрларимни тан оллиси келмайди. Кунглим ақлимга бўйсунмайди. Тури, оддиндан ёлғончи, фирибгар йигитлар борлигини эшитиб юрардим, аммо... Энди эса сенинг киёфандга ушандай инсонларни яққол кўриб турибман. Сенга раҳмат, менга катта яхшилик қилиб, одам танишни ургатдинг. Энди йигитларинг ниқобию, ниқоб остидаги хийдаларини бемалол ўқиб оламан. Ёлғизгина орзум бор: нима булса ҳам сени бутунлай унтиши, ҳеч

ки гард юқтирумаган тоза қалбимдан учирив ташлаш.

Сенинг бир ҳусусиятингта тан бердим. Ёлғон гапираётганинда тингловчинг сўзларинг ёлғонлигини сезиб, устингдан култандада сесканмадинг, хижолат чекмадинга. «Менга ҳам ёлғон инилатасизми?» — деган саволимга «йўқ, ҳеч қачон» — дёя ичган қасамларинг эсингтадир. Мен умримда ҳеч кимга сенга суюнганчалик суюнмаган эдим. Бошқаларга бепарво, эътиборсиз эдим. Бир томондан сенинг уқинчли ҳаётингта-да ачираман. Кирдикорларинг фош булиб, дустларинг олдида сарик чақалик ҳурмату эътиборинг қолмаганимиш. Жуда шукшодон эдинг. Эшитишмача босик, уйчан булиб қолган эмишсан. Ҳа, ҳаёт ана шундака, инсонни не кўйларга солмайди...


Бутун баҳорнинг оромбахши кунларida негадир яна сени эсладим. Ёлғиз уйга қа-

Мангу изтироблар

малиб сен билан гаплашдим, урушдим, ярашдим... Ҳозир ҳасрат эшитадиган одамнинг узи йўқ. Шу оппоқ қоғозгина ҳасратимни жумгина тинглаёттандек гўё. Шу сабабданми, оқ қоғозга дардимни түкдидим.

Биласанми, негадир туйиб-тийиб йиглагим келди. Ёлғизлиқда йиғлаш одамга анча таскин бераркан, дардинг сингиллашаркан. Ёмғирдан сунг чиқкан күсческ кўнглинг равшанлашаркан. Сезаяпсанми, сен учун, фақат сен учун йигляйтман. Сенинг умидбахш сўзларинг, кўз олдимда муҳрлаб қолган кузларинг учун йигляйтман. Курқма, сендан ҳеч нарса талаб қилмайман. Фақат бир кун келиб дунёда сенинг учун чин юракдан йигладиган одам борлигини билсанг бўлгани...

**Сайёра ХАЛИЛОВА,
Шахрисабз**



АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

СОЗДАЛИК КУРАШЧИСИ

Аунг Сан Су Мианмар мамлакатида озодлик курашчиси ва йўлбошли сифатида машҳур.

1989 йил апредлдаги сайлов компаниясида у раҳбарлик қилаётган партия, унинг номзодини ҳукумат раҳбарлигига кўрсалди. Ҳукумат аскарларининг тазиёқита қарамай, у стакчилик қилаётган партия митинглар уюштириб, ўз ғояларини ҳалқа стеказди. Вазиятнинг ута қалтислиги, ҳатто ҳаётни жар ёқасида эканлиги ҳам бу жасор аёлнинг парвойига келмасди. Тез орада ҳалқ орасида бу матонатди аёл ҳақида, унинг ҳалқона қурашлари ҳусусида изобий фикрлар пайдо була бошлади.

Аунг Сан бутунги кунда ҳам уз миллий ҳукуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиб, кўзлаган мақсадига астойдил интилмоқда. Негаки, Африка мамлакатларида айни дамларда илғор фикрларга кенг йўл очилган.

Алисон САФАРОВ

Руслан АУШЕВ:

«СПОРТ САРОЙ ИТА ДИРЕКТОР БҮЛГИМ – ОРЗУМ»

Руслан АУШЕВ. Афғонистонда хизмат қилиб, қаҳрамон бўлди.

Кейин ҳарбий академияни битирди. Яна Афғонга бориб яраланди. У ёқдан қайтгач, депутат бўлди, афғон уруши фахрийлари қўмитасини бошкарди. 1991 йилда генерал узвонини олди.

1993 йилдан Ингушистан президенти.

— Руслан Султонович, шахсий ҳаётингиз кўнчилликни қизиқтириши табиин. Нечта хотинингиз бор? Бу савонни бекорга бермадим, билишимча, Ингушистанда кўп хотинликка расман руҳсат берилган.

— Тугригори, қонунларимиздан кўп хотинликка берилаудиган жазо ҳақидаги маддани чиқариб ташладик. Лекин баъзилар уйлагандек, эркакларимиз шундан кейин кўп хотинликка муккадан кетсанлар йўқ, Ҳизматга келса, 1993 йилда уйланганман. Хотиним Азга Грозний университетининг иқтисод факултетидаги ўқириди. Турмуш қурғанимиздан кейин укиши қолиб кетди. Уч фарзандимиз бор: қизимиз Лейла 12 ёщда, улгимиз Али 8 да, кенжамиз Лима 2 ёнда.

— Ингуш оиласи учун уч бола кам эмаски?

— Гапингиз тўғри, кам. Худо хоҳласа купайтирамиз.

— Ҳар жиҳатдан тўқис оила деганда ниманин тушунасиз?

— Кичкина болаларимиз билан ёткожоналарда, Узок Шарқда солдат казармаларида яшаганмиз. Ҳозир шароитимиз яхши. Лекин, менинг фикримча, ўйнинг рузгорининг тўкинилгини гарнитурлар, кориҳ техникини белгиламайди. Ўйнинг кўрки — меҳмон. Эшитидан месмон аримаган хонадон ҳақиқий баҳтили, тукидидир.

— Ингуш удумларига муносабатингиз қандай?

— Ҳамма удумларимизни ҳурмат қи-

ламан ва уларга амал қилишини бурчим деб биламан.

— Мактабдан ёмон баҳо олиб келипса, болаларинизни уришасизми?

— Йўқ, бунақаси бўлган эмас. Менинг «болаларим турт» ва «беш» баҳоларини ҳақиқи билимларни учун олишга тимиканга ёки оталари президент булгани учунчи? деган савол ўйлантиради.

— Рўзгорда сиз бажарадиган ишлар ҳам бўлди?

— Йўқ, бўлган ҳам эмас. Баъзида фарзандларимга маслаҳат берисиб турман, холос.

— Яхши кўрган таомингиз?

— Товуқ шурва, саримсок ва қуқатлар, зираворлар солиб пиширилган тошук гүшти, қайнатилган гүшт, сабзавотлар. Биласизми, Афғонистонда юрганимда ҳар доим бир нарсани: катта тогорани тўлдирриб аччиқ-чутук тайёрлаб, мириқиб сийшини орзу қилилариди.

— Ичкиликка муносабатингиз?

— Онда-сонда дустлар даврасида озмоз ароқ ичиб турман. Бопса ичимликларини организмим кўтармайди. Буям Афғонда жигаримдан яраланимиминг оқибати.

— Қайси қўшиқчиларни эшитишни эқтирасиз?

— Кобзон, Градский, Любов Успенскаяларни, Афғон ҳақидаги қўшиқларни.

— Қариганда қаерда яшанини истардингиз?

— Қадрдан Ингушистаномининг тогли қишлоқларидан бирида.

— Ушалмаган орзунгиз ҳам борми?

— Ростиң айтсан, бор. Катта спорт саройининг директори булиб, ҳар тоғ спорти кийимда, бўйнимда хуштак билан «мулким»ни айланаб юриш доим орум бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида

Даврон БЕК тайёрлади

**«ЛАДА» МОДАДА**

Украинада автомашина угрилари устидан қўзгатилган жинонай иш ниҳоясига етди. Уч нафар рус ва икки украин йигитидан иборат бу уюшган гурух уч йил давомида мамлакатда 100га яқин «Лада» русумли автомашинани утирглаб, Россияя кептириб сотган. Гурух кулга олингандан бери бироргайм «Лада» утиргланган йўқ.

САМОЛЁТДАГИ ГРАНАТА

Махачкала аэропортидан Бирлашган Араб Амриликларига учиб кетишига ҳозирлик кураётган ТУ-154 самолети чегаралар томонидан текширилганда, РГД гранатаси топилди. Самолётнинг учиши кечкитирилди, мутахассислар хавфли топишидни зарарсизлантириши.

РОССЕЛНИНГ УЙЧАСИ

Москва темир йўлиниң Киев йуналишидаги Матеев станцияси яқинида «Россель уйчаси»номли бино бор. Атиги турт қаватли бу «уйча» Свердлов вилояти губернатори Эдуард Росселнинг Москвадаги ваколатхонаси. Иш юзасидан, Федерация Конғаний инглишида қатнашиш учун Москвага келгандиа Россел утта ётоги, 2 та саунаси, сув ҳавасзи, спорт зали, биллиардхонаси булган ушбу уйда тухтайди.

ГАП ТАШУВЧИ БОЛАЛАР

Британия полицияси болалар ва балогатта етмаган жиноятчиардан гап ташувчи сифатида фойдаланиб келмоқда. Гиёхчандо мондалар сотувчилар, квартира угрилари, күлғубазлар, автомобил угрилари ҳакила аниқ ва тўғри маълумот берган болаларга 300 фунт-стерлингтacha пул туланиди. Ҳар турт жиноятнинг бири 17 ёшига тўлмаган усмирилар томонидан содир этилиши, улар орасида гиёхчилар сони ортиб бораёттани эътиборга олинса, бундай ҳамкорлик бешиз эмаслиги маълум булади.

ОЛИМ БЎЛСАНГ...

Витебск тиббиёт институти токсикологияя ва фармацевтика химияси кафедрасида ишловчи Александр Сутуло кафедра лабораториясида гиёхчандо мондалар тайёрлашни йўлга кўйиб юборган эди. Лекин Белоруссия хукуқ-тартиби органи ходимлари унинг ушбу фармасигати чек кишилди. Қулига олиш чогида лабораториядан сотишга тайёрлаб кўйилган ярим кило гиёхчандо монда топилди. Энди жаноб Сутуло саккиз йил «дам» олади.

ТАЪТИЛ ЯҚИН

Санкт-Петербург вилоятидаги 70та мактабнинг укувчилари ёзги таътилини агча олдин боғлаб юборишидан гапта ухшаб туриди. Утган ҳафта вилоятдаги ана шунчага укув даргохининг уқитувчилари иш ташлашиди. Уларнинг ягона талаби — ойлик маоплиарини уз вақтида олини. Давлатнинг вилоят уқитувчилари олдиаги қарзи 50 миллиард рублдан ошиб кетган.

**Хорижий матбуот хабарлари
асосида тайёрланди**

САЛАФИЯ КАДИМЛАЗ!



**Азиз ва меҳрибон
онажонимиз Розаҳон
АСРАҚУЛОВА!**

Кунгилларга узгача ҳузур, ҳаловат, нашънъамо багишловчи баҳорнинг тароватли куни — 1 май — таваллуд айемингиз билан самимий кутлаймиз. Биз ҳаётда нимага ёришган бўлсақ, барчасига сизнинг тарбизитиз, оналиқ меҳрингиз сабаб. Бахтимизга доимо соғ-омон булинг, Аллоҳ умрингизни узоқ қўлсин.

**Хурмат билан
фарзандларингиз.**

САРДОРБЕК!

Бир ёшига тўлишининг кутлуг бўлсин. Сенга узоқ умр тилаб,
Шокировлар оиласи.



**Хурмати
Қўчкорали АЗИМОВ!**

Сизни муборак 55 ёшига тўлишиниз муносабати билан лилдан кутлаймиз. Мустаҳкам соғлик, боқий умр тилаймиз.

**Куёвингиз Сайдалива
синглингиз Мактуба.**



**Хурматли ақажон ва
кеноижон!**

Сизларни турмуш курганларингизнинг 25 йиллиги — кумуш тўйларингиз билан кутлаймиз. Оллоҳ сизларга узоқ йил бирга яшаб, фарзандлар камолини кўришина сибубурузи айласин.

**Куёвингиз Сайдалива
синглингиз Мактуба.**



Суюкли қизимиз ДИЛНОЗА!

Таваллуд кунинг билан табриклийиз. Бахт ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин.

Онаг, Шаҳноза, Санжар, Марҳамат.



**Кўёнлик, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида
истиқомат қилаётган азиз ва мўътабар
синглими ГУЛЧЕХРА!**

30 апрель 30 ёшига тўлган кунингиз билан ойламиз номидан суюннib, муборакбод этамиз. Инциооллоҳ ҳаётингиз ҳамиши ям-япил баҳор бўлсин. Йулларингиз мудом чаманзорлар оралаб утсуну ва лекин Яраттанинг ўзи доимо тиконлар озоридан арасин! Умрингиз узун ва безавол, насибангиз доимо бутун, ҳаётингиз беармон ёшлик ва баҳтиёр дамларга бой бўлсин.

Бардоши инсон — баҳтили инсон дейишиди. Сиз ҳақиқий баҳтили аёлсиз. Оллоҳ ўзи сизни икки дунёда азизи мукаррам қўлсин. Сизйинг шук кулгуларингиз, биз қадрдонларингизни ва ойлантизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ҳаётингиздан файзу барака, ҳузур, ҳаловат, омад сира аримасин, деб

**Давронбек, Муҳаён,
Тошкент шаҳри.**



Дилбандимиз САРВАРЖОН!

2-баҳоринг муборак бўлсин. Тилагимиз: эл севған комил, пахлавон ўғлон булиб стишган. Ҳаётингта баҳтиёл ёшлик ҳамиша ёр бўлсин.

Даданг Соат, онаг Гулжаҳон.



Хурматли МАВЖУДАХОН!

Тутиглан кунингиз кутлуг бўлсин. Аллоҳ дуненинг бор ёшликларини сизга армуғон айласин.

**Турмуш ўрготингиз Абдуёсик,
фарзандларингиз ва
набирларингиз.**



ОЗОДАХОН!

Таваллуд айемингиз кутлуг бўлсин. Сизга узоқ умр, соглиқ ва баҳдан таҳт тилаб

**Фарзандларингиз, турмуш
ўрготингиз Ҳикматулло,
Фотима-Ҳусан, Тоҳир, Ҳасан-
Ҳусан, Захроҳон.**

ЭЪЛОН

«Матбуот тарқатиши уюшмаси» ассоциацияси «Оила ва жамият» газетасини якка тартибда сотувчиларни ҳамкорликка чорлайди. Ҳамкорлик яхши натижалар беради ва мўмайгин на даромад топишингизга имконият яратади.

Манзил: Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-ий (Олой бозори ёнида)

32 ЁШДА

**Вилоятлик Тошкент шаҳрида яшовчи
ўқитувчи, одобли, маъсумагина жувон.
Турмушдан фарзандсизлик туфайли
ажрашган. Узига бир умрға диплош бўлип
қопадиган мунособ ёр истайди.**

Оила

«Оила—474».

Тошкент шаҳар Ми-
робод тумани ҳужалик
хисобидаги меҳнат-
кашлар саломатигиги-
ни тиклари бошқарма-
си 1997 йил 1 майдан
ТУГАТИЛАДИ
Барча даъволар бир
ой давомиди қабул қи-
линиди.

Телефон: 33-80-20.

Азиз газетхонлар!

Мутахассисларинг фикри-
ча, «Оила ва жамият» газе-
тасини мунтазам равишда
ўқиб бориши инсон ҳаётингиз
тўлақонлигини таъминлар,
рӯҳини тетикилашибар, фар-
зандлари тарбиясига мутла-
қо изобий таъсири этар экан.
Шунине сиз 1997 йилнинг
иikkичи ярми учун «Оила ва
жамият» газетасига обуна
бўлсангиз, асло ютқазмайсиз.
Обунани барча алоқа бўлимла-
рида расмийлашибар, мум-
кин.

ДУШАНБА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.

8.00—8.30 «Хаджанома».

8.30 «Ўзбексталифи намойиш стади: «Қўнгил колма муборизаси». Фильм-концерт.

9.00 «Замин-Фидорлари». Телесериал.

9.20 «Тиксан». Бодлар чўн фильм.

10.00 «Ўзлонгар».

10.05 «Илаи—узлени билмайдир».

10.30 «Шеръярат—зат ёзимон». Шурт Султон Расулий.

10.50 «Ҳабибуллоҳ «Фотимон саргузашти». Республика тақтириян спектакли.

11.30 «Ҳазиний тағиғ». Публицистик курсату.

12.00 «Соков музаббиф». Судийский фильм.

12.45 «Хўжайонидон». Мультифильм.

14.00—14.45 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Ўзлонгар».

18.10 «Эркотай».

18.25 «2000-йилдан сўнг!». Телесериал.

18.45 «Дибр». Тележурнал.

19.05 «Катта танфафу». Йиликликлари.

19.25 «Ўзлонгар».

19.30 «Дархона» (руси тилида).

19.50 «Ўзлонгар».

19.55 Биржа ва банин хабарлари.

20.15 «Оқим архатлари».

20.25 «Ўзлонгар».

20.30 «Ахборот». Ўзбек.

20.55 «Ўзлонгар».

21.00 «Ҳазиний тағиғ».

21.25 «Союз».

21.45 «Ўзбек спорти».

23.05 «Тўғлиқ таъвессизлаб».

23.25—23.35 «Ҳайрият».

II

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спортин репортаж».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

III

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Мулатарус».

19.00 «Ўзбексталифи намойиш стади: «Нафосатга бахшидади умр».

19.20 «Малавнат». «Ҳақнандар таралган меҳр».

19.40 «Истиблока интиб». Публицистик курсату.

19.50 «Ҳазиний тағиғ».

19.55 «Компьютер-Осиё».

20.40 «Спорт кўйсан».

23.10 «Санга-Барба». Телевизон бадний фильм.

24.00—00.00 10 Кўндулак.

IV

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.30 «Ватан тимсолари».

V

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбексталифи намойиш стади: «Зориқи куттап

19.05 «Ўзлонгар».

19.20 «Мулатарус».

19.40 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

20.05 «Дидар».

20.25 «Ҳазиний тағиғ».

20.45 «Дархона».

20.55 «Ўзлонгар».

21.00 «Малавнат». «Ҳақнандар таралган меҳр».

21.25 «Ҳақнандар таралган меҳр».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Спорт кўйсан».

23.25 «Тўғлиқ тароналар».

23.30—23.45 «Ҳайрият».

VI

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

VII

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

VIII

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

IX

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

X

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XI

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XII

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XIII

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XIV

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XV

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XVI

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XVII

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XVIII

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

22.40 «Морена Клара». Телесериал.

23.25 «Ўзлонгар».

23.30 «Ахборот».

23.55 Тўғлиқ тароналар.

00.15—00.25 «Ватан тимсолари».

XIX

18.00 Кўндулак.

18.10 «Ўзлонгар».

18.25 «Ўзбекистон—Ватанни маним! Кўши кўрик—тандоли».

21.25 «Ҳазиний тағиғ».

21.45 «Рузи».

22.10 «Езув спорти».

«АНДИНОГА АЧИНАМАН, ЛЕКИН...»

Дилдаги гаплар

Мана печа ойлардирек, ўзбекларнинг икки кўзи олис Венесуэллага тикилган. Миш-мишларнинг, гап-сўзларнинг чеки ўйқ. Бирор «Клара ўларни» деса, бошқаси «У Валентинга турмушга чиқади», деб ўзиникни маъқулайди, учинчи бирор сеरиалниң нақ фоҳси билан туғашини — Клара ўлчач, бунга чидомлаган Андино ўз жонига қасд қилишини, Монсининг кубалик билан дон олишиб юрганини сезиб қолаган Лисандро иквалини ҳам ўлдиришини башорат қиласади. Тўй-ҳашамалларда хотин-халоҳ келининг сени ҳақида эмас, Морена Клара тўғрисида баҳсласиб, чувиллашишоқда. Биз ҳам ана шу баҳслардан четда қолмаслик учун айрим юртдошларимизни сұхбатга тордик.

Муборак ҲОТАМОВА, оиласи, икки яшар қизаси бор, ателеда тикувчи:

— Сурайсиз-а, шундай кинони кўрмай булладими? Эрраклари уз мұхаббати учун жонини жабборга берсир курападиган, аеллари ҳам эрларини, оиласини сақлаб қолиш учун күйбенадиган жойлар ҳам бор эканда дунёда. Андинога ачинман, лескин Клара Валентинга турмуша чиқишини хоҳлайди.

ҚОДИРЖОН, 11-сinf ўкувчisi:

— Кларангиз нимаси, ака? Бунака майдай-чўйда киноларни кўрмайман. Тўгри, бошида бир-инки сериасини кўрдим, лекин скамди. Шуям гапами: ҳаммаси оҳ-воҳ, ўлдим-кўйдим қинади, «сен менга ишонишинг керак», деб кўз ёши тўқади. Тўғрисини айтсанам, Синтия Ротгрок, «Аждаҳо» дақақи Вилсонлар ўйланган киноларни қайта-қайта кўрсам ҳам зерикмайман, факат Кларани эмас.

Азиза ВАЛИХУЖАЕВА, ўқитувчи:

— Бунақа фильмлар ёшлиарни мизининг тарбисига салбий таъсир курсатади, деб ўйлайман. Шунаканни маиший бузукликлар таргиг қилинадиган киноларни курсатиш шартмикан!

ЗУБАЙДА, билим юрти ўқувчisi:

— Уйимизда «Клара»ни ҳамма кўради. Бечора Клара азоб чиқиб йиглалаганда менинг ҳам кўзимдан ёши чиқиб кетади. Шунча азоблари етмагандай кўр булиб қолганини қаранг. Дугоналариминг айтишича, сериалининг ниҳоясида Клара улар эмиш. Наҳотки, шу рост булса. Ундан кўра, Людовико, Лисандро Прадолар улса бўлмайдими. Яхппита кун йўқ, деганини рост эканди.

МАШХУРА хола, тўрт кенининг қайнотаси:

— Телевизордагиларга раҳмат, шу Кларани кечқурун курнатиб заб иш қилишшаганни да.

Бурноғи йили шунака битта кинони нуқул шомда курсатишиди динг. Ушанда овқатта уннаншган бўлса, қозон учокда, синир согаёттанинг чистаги оғилхонада қолиб кетиб, келинларим билан неча марта сан-манга борганиман.

Энди, узим бунақа киноларни кўрмайман, буларни ёшлиарга чиқарганда. Майли, шулар ҳам ярасин. Бизга ушшаганларга ўзимизнинг «Суюнчи», «Маҳаллада дув-дувган», «Чинор остида дузл» деган кинолар бўлса...

ШУҲРАТ, талаба, уйланмаган:

— Ижароҳонамизнинг эгаси эски телевизорини берган. «Морена Клара»нинг бирорта сеърияни қолдирмай кўриб борамиз. Тўғрисини айттанди, ҳавас қиласадиган, ургатадиган жойи йўқ. Эр хотинига, хотини эрига хисепт қиласан, ҳаётнинг мазмуни фақат айш-иширатдан иборат, деб ўйлайдиганлардан нимам үрганиб буларди. «Унда нега курасиз?» — дейдизми? Ҳа энди, ҳамма куради-ку...

Кудратилла АЗИЗХОНОВ, оиласи, икки фарзанднинг отаси, такси ҳайдовчisi:

— «Морена Клара»ми? Сал бачканароғу, лекин ҳар ҳолда Американинг бир киши йигитима кишини уриб, слайтириб ташлайдиган, уқ ёмғирдек ёғилиб турса-да, бирор жойи тирналмайдиган «супермен»лар ҳа-



қидаги киноларидан яхшироқ. Кўнгилга буориб булмайди-ю, барбири Клара Валентининг нимасига учаятги, ҳайронман. Менимча, уни баҳти қилиши мумкин булган ягона инсон — уша «қышлоқи» Андино. Кинони Валентин уларни тинч куйши, бу иккви бахтили булиши билан тутгайди, деб умид киламан.

Сурайё ДАДАЖНОВА, турмушга чиқмаган, ҳамшира:

— «Морена Клара»нинг ҳар бир сериасини интиқоб кутаман. Бечора Кларанинг ёш бошида шунча ташвиш бор. У хатоларини тушуниб, бош эгиб келганди Андинонинг ноз қилиб қолганини қаранг. Яна Женифер эрини кечирса яхши буларди. Ахир, у бечора ҳам кўйнайлиб кетди. Аччик устида үзини бир нарса қилиб қўйса, Женифернинг вижлони кўйнамасмикин?

Даёрон БЕК ёзиб олди

Ривоят

МАЛОМАТТА ҚОЛГАН ЭР

Бир одамнинг иккита хотини бор экан. Иккovi ҳам қазоси стиб бир кунда ўзиг қолибди, дени. Эр, рисоладагидек қилиб, адолат юзасидан иккала хотиннинг барча маросимларини бир хил утказибди. Бир хил тобут, бир хил кафаник тикитирибди. Бирор иккала то-бутни бир пайтнинг ўзида эшикдан чиқариши утун дарвоза торлиқ қилиб қолибди.

Шунда эр янги эшик куриб, дарвазанинг кенгатирибди, тобутлар ўйдан бир пайтнинг ўзида чиқазилибди. Уша куни тунда эр ухлаб етганда эса тушнига катта хотини кириб, ҳадеб маломат қиларкан:

— Менинг эшикдан чиқазиб, кичик хотининизни янги эшикдан чиқаздингиз-а сизга нима смонолик қилидим.

Бир одам хотини улгач, иккичининг уйлашибди. Янги келин тўйнинг эртаси куни эрталаб чөлчалекка сув олиб, қасқадир йўл олибди. Эр:

— Ҳа, қасқади? — деб сурабди.

— Улган кундулошимининг қабрига сув сепиб клей, кечаси билан ёниб стендир, — дер-миси хотини.

«МОРЕНА КЛАРА» ҲАҚИДА

Багритто синглим Линда, Сиқилаверма сен кунда, Рашик ўтида ёмайзин, Зарра меҳр ўйқ унда. Ором билмас туну кун Тўхта, дейсан, Валентин, Узоққа қочмасди

Мухаббати бўлса чин.

ЁРЛАКЛАР ТИЛИДИН

Уша Валентинга ҳам койил қолмадим. Эр-какмисан, скангла чопонингни ташлаганинг чиқиб кет. Йигит кишининг моли кучада қолмайди. Топилиб қолар узинига муносаби...

Э, оғайни, уз уйимдаги Монсарат етмаганди, телевизорда ҳам биттаси пайдо булиб қолибди. Шу иккисининг турориги бир жойдан олинганини, дейман. Хайрият, телевизордаги ҳафтада уч кун сайдайди, лекин уйлагиси-чи...

Онча, бу дейман, Розалинида куевлик булса ҳам уша-уша-я... Социда бир дона оки йўға. Менинг хотиним ҳали неваралик булмасидан сочига оку тушган. Бу чет ёлдаги аёллар узига яхши қарайди-да.

Лекин Эмилянога беш кетмадим. Эрқакиши дегани хотинини эгарлаб олмаса, шунака булади. Энди иккি ўт орасида қолди.

Бизнинг аёлларимиз улардан ўрганса ар-

Ярим ҳазил

зидиган жойлари ҳам бор экан. Қаранг, ҳаммаси эри учун курашишини айтмайсизми.

КОЛХОЗ РАИСИ: Э, дустим, шу Клара ва Монолитага ушшаган қизлардан бешолтириб булса, жамоамиз йиллик режани ярим йилда бажарар эди.

ҚИЗЛАР: Биз — Мустакил Узбекистон Монолити, Линда ва Магдаленанинг бу хатти-ҳаракатларини бутунлай коралаймиз. Бу не ахомдлик? Ахир қачончага Андино ва Валентиннинг олдига уз гуруларни поймай қолладилар. Даражати силкитсанг «дұа» этиб йигитлар ёғиладиган замон булса.

МАҲАЛЛА ОАСКОҚОЛИ: Э, бутам, уларда қуни-қушини, маҳалла-кўй дегани йўқми дейман да. Лисандро, Людовиколарининг муштингин «ништ» дейдиган мард йўт-а. «Маҳалланг тинч — сен тинч», деган мақола ҳақида рост экан.

ЎҚИТУЧИ: Аслини олганда Клара болаларнинг тарбисини бузмоқда. Менинг укувтиларим шу фильм бошланганиндан бери укишини бар ҳигишириб қўйиши хисоб. Яна булар исимни узгаририб олганини айтмайсизми. Карима — Клара, Вожид — Валентин, Мунира — Монсарат булиб олган.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲАЛҚАРОҲ ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

МУҲАММАД ИСМОИЛ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот таржалариши улошмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-йи.

Телефонлар: Боз мұхаррир — 33-28-20, котибият — 34-86-91,

эълонлар бўлими — 36-56-52.

Ўрол СОДИК

навбатчилик қилди

Обуна индекси — 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма Г-0309 29665 нусхада чоп этилди.

Оғсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Сўнгги

УСТУН

СОҒ ТАНДА...

Россиянинг Марий Эл республикасидаги Кугеренко қишлоғига яшовчи Виктор Таланцев 28 йил шахтер булиб ишлаб, нафақага чиқди. Шундан сўнг у тош кутариш спорти билан жиддий шугуллана бошлади. Яқинда Виктор полон 16 килолик тошни турт соат мобайнинда 4030 марта кутарди.

* * *

1976 йил Афинада утказилган марафонча югуриш мусобакасида Дмитрию Иорденис маррага этиб келгунча 7 соат 33 дақиқа сарфлари. Гап унинг курсатни натижасида эмас. 98 ёшида 42 километрга юргурган одамга «беш» кетиши керак.

* * *

Германиядаги яшовчи нафақахур, ҳаваскор-югуручи Паул Эйкел 27 йилдан бери турли хил мусобақаларда мунтазам қатнашиб келади. Унинг шахсий коллекциясида 2955 та медал, диплом ва бошқа совгалар бор.

* * *

Канадалик Жудит Карден 70 ўшдан ошган бўлса-да, ҳали бардам-бакувват. Бунинги сири мунтазам равишда жисмоний машқлар бажаришида. У кунига урта ҳисобда 7-8 километрга югуради, 25 метрлик сув ҳавазисида 25-30 марта сузуб бориб келади.

* * *

Норвегияда нафақахур кампиршолар бекорчиликдан зерикӣ қолмаслиги учун антиқа фестивал утказилди. Ундан парашотда сакрант, мотопойта, сув остида сузиши каби спорт турлари урин олган эди. Мусобақалар кўйин булишига қарамади, қатнашчилар сони минидан ошиб кетди. Ҳатто, мамлакат Бош вазири, 54 ёши Гру Харлем Брунланд хоним ҳам фестивалда қатнашиб, уз кучини синаф курди.

* * *

Италиялик алпинист Якобо Луисио Альп тогларидаги 4477 метрли Маттерхори чуккисини забт этиши учун борйиги 7 соат вақт сарфлари. «Агар ёшроқ булганимда бундан ҳам тезроқ чиқишим мумкин эди», — дейди 85 ёши Якобо бобо.

* * *